



Савол:

Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатух. Эшитдимки Ислом динида инсонларнинг исмларида хайвонларнинг исми бўлиш керак эмас экан. Мисол учун Алишер, яна шунга ўхшаш исмлар бошқаси хаёлга келмади шу нарса тўғрими илтимос жавобини ёзиб юборинг.

Жавоб:

Бисмиллаҳ, сиз айтмоқчи бўлган исмлар: Бўрибой, Қўчқорбой, Қўзибой, Шербек кабилардир. Фарзандларни бу каби исмлар билан номлаш яхши эмас. Аммо Алишердаги “шер” исм дейилмайди балки у сифатдир. Бу исмнинг асли Алий бўлган унга шер сифати қўшиб ишлатилган сўнгра Алишер билан машҳур бўлиб кетган.

Ислом фарзандларни гўзал исмлар билан исмлашга буюради. Исмларнинг яхшилари Абдуллоҳ, Абдурроҳман ва Аллоҳ таолонинг исмларидан биронтасига “Абду” олд қўшимчаси қўшилган Абдулҳақ, Абдулкарим, Абдулфаффор каби исмлардир.

Танбеҳ: Ҳайдар исми аслида “Ҳайдара” арабча бўлиб, маъноси шер демакдир. Уни Алий розияллоҳу анхуга сифат қилиб ишлатилган ва бу кейинчалик исм бўлиб кетган.

Яна бир нарсага эътиборни жалб қилмоқчимиз, охирги пайтларда бирорлар ўз исмини ёзадиган бўлса, масалан, АбдулКарим, АбдулҲақ каби Аллоҳнинг исмларини ҳам катта ҳарфлар билан ёзишаётганини гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу хато, Аллоҳнинг исмларига “абду” қўшилгандан кейин у икки калимадан таркиб топган алоҳида бир исмга айланади ва унинг аввалги ҳарфи катта қилиб ёзилиши кифоя.